



IMOM BUXORIY XALQARO ILMIY-TADQIQOT MARKAZI
IMAM BUKHARI INTERNATIONAL SCIENTIFIC RESEARCH CENTER

Imom Buxoriy saboqlari

Ma'naviy-ma'rifiy, ilmiy-adabiy jurnal
Spiritual and educational, scientific-literary journal

№ 2 / 2021

IMOM BUXORIY
XALQARO ILMIY-
TADQIQOT MARKAZI –
YANGI
O'ZBEKISTONNING
YANGI TIMSOLI

Ушбу сонда:

Шовосил ЗИЁДОВ. Ислом – тинчлик ва маърифатпарварлик дини.....	3
Абдулҳодий ЮСУПОВ, Неъмат ЖАББОРОВ. Асрлар оша синовдан ўтиб келаётган таълимот.....	5

АЖДОДЛАР ИЛМИЙ МЕРОСИ

Дониёр МУРАТОВ. Сунан тўпламлари ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари.....	7
Давронбек ҚОДИРОВ. Абу Ҳомид Ғаззолийнинг “Бидоятул ҳидоя” асарида қалб гуноҳлари тўғрисида.....	9
Нафиса ҚЎШШАЕВА. Носириддин Тусий дунёқараши шаклланишига таъсир этган ижтимоий-сиёсий вазият ва маънавий муҳит.....	11
Анвар БАБАЕВ. “Саҳихул Бухорий”да тилшунослик сабоқлари.....	13
Мафтуна ОЧИЛОВА. Алишер Навоийнинг “Ҳайратул аброр” достонида сабр талқини.....	14
Абдуси ШОНАЗАРОВ. Имом Бухорийнинг ўзидан “Саҳихул Бухорий” китобини ривоят қилган машҳур ровийлар.....	15

НОДИР МАНБАЛАР

Ширин КУРБОНОВА. “Абваб тасриф манзума” асарида лексик қатлам.....	18
Фируз МУЗАФФАРОВ, Бахши РУСТАМОВ. Муҳаммад Ғаззолий ва унинг “Насихатул мулк” асари ҳақида.....	19
Саидахмадхон ҒАЙБУЛЛАЕВ. “Усулул фикҳ” илмининг уч устуни.....	21

ВАТАНИМИЗ ТАРИХИ

Ойбек РАШИДОВ. Ўзбекистонда совет бошқарувидаги маҳаллийлаштириш сиёсатининг даврий матбуотда ёритилиши.....	24
Янгибой ТУРДИМУРАТОВ. XX аср биринчи ярмида Сурхон-Шеробод воҳасидаги этномаданий жараёнлар.....	26
Фурқат ТОШБОЕВ, Шаҳриёр ЭШБОЕВ. Ўзбек халқи спорт кийимлари тарихидан: анъанавийлик ва трансформацион жараёнлар.....	28
Жамшид КЎЧАРОВ. Амир Темур ва темурийлар даврида Бухоро воҳасида хунармандлик тараққиёти хусусида.....	30
Вазира САДУЛЛАЕВА. Дониёлбий Оталиқ ва Амир Шохмурод даврида Бухорода таълим ва илмий муҳит.....	31
Нигора МАХМУДОВА. Народные суды кочевого населения в Туркестанском крае (по материалам ревизии сенатора К.К. Палена (1908-1909 гг.).....	33
Элдор САТТОРОВ. Илк Ўрта асрларда Суғдда кечган ижтимоий-маиший ҳаётнинг суғдий ҳужжатларда акс этиши.....	35
Сухроб ЭРҒАШЕВ. Ўзбекистонда саводхонлик.....	37
Matlubxon MURTOZAYEV. G'o'bdin qishlog'i va u yerdagi ziyoratgoh tarixidan.....	39
Абдурасул БОЛТАЕВ. Ўзбекистонда турғунлик йилларида пахтачилик соҳасининг ҳолати.....	41
Ойбек ЯРМАТОВ, Марғуба САТТОРОВА. Ўзбек хонликлари билан Ҳиндистон ўртасидаги иқтисодий алоқалар тарихининг манбашунослиги (XIX-аср).....	43
Бахтиёр ТУРСУНОВ. Алишер Навоийнинг ҳаёти ва ижодий фаолиятига Самарқанд маънавий-маърифий муҳитининг таъсири (тарихий-синергетик таҳлил).....	45
Шохжаҳон РАШИДОВ. Қатағон қилинганлар тақдири: Абдулла Қодирий қандай оқланган эди?.....	47
Умида КУРАНБАЕВА. Абу Райҳон Беруний асарларида суғдликлар тарихининг ёритилиши.....	49
Дилафрўз ТЎХТАБОЕВА. Истиқлол йилларида Асака шаҳри.....	51
Ўқтамбек СУЛТОНОВ. Бурҳониддин Марғинович насаби ва авлодлари тақдири.....	53

ИСЛОМ ВА ҲОЗИРГИ ЗАМОН

Ilhomjon BEKMIRZAEV, Irodaxon GAFUROVA. Марказий Осиёда маърифий ислом тушунчаси ва унинг ривожланиш босқичлари.....	55
Muzaffar SUVONKULOV. Turklar ma'naviyati va islom.....	58
Қосимбек РАЗЗОҚОВ. Чиштиа тариқатида нафс тушунчаси.....	61
Tulkin MARDIYEV. Qur'oni karimda "do'stlik" konseptining ifodalinishi.....	63
Нодирбек ТУРАБОЕВ. Фикҳ илмида “Мухтасар” жанридаги китобларнинг аҳамияти.....	65
Даврон НУРМУҲАММАД. Ҳадис илми ривожда “Муснад” асарларининг тутган ўрни ва аҳамияти.....	66
Абдулло АБДУХАЛИЛОВ, Рауф БЕКБАЕВ. Понимание инвалидности в исламе.....	68
Нодира СУЛТОНОВА. Ўтмиш ренессанс тарихи ва тараққиётида оила ва никоҳ муносабатлари – энг олий қадрият сифатида.....	70
72..... رسالة لا تموت وجهود لن تتوقف	د. محمد سيد ورداني. "البحوث الإسلامية"

ИЖТИМОЙ ИНСТИТУТ

Актам АВЛАКУЛОВ. Техноген жамиятда инсон муаммоси.....	73
---	----

Нигора БУРАНОВА. Тарих илмини тўғри ўрганиш зарурати.....	75
Камолахон АБДУРАЗАКОВА. Ўзбекистон билан Қозоғистон ўртасидаги ҳалқаро ташкилотлар доирасидаги ҳамкорлик.....	76
Ҳабибуллохон АЗИМОВ. “Араб баҳори”га қадар Туркия-Сурия муносабатлари.....	78
Дилфуза ЗАКИРОВА. Тақиқлар – барча динлардаги умумий бир жиҳат сифатида.....	80
Жамшид ЭЛМУРОТОВ. Дунёвий ва диний қадриятларда шахс эркинлиги муаммолари.....	82
Исломиддин ҲАЙДАРОВ. “Маърифатчилар” ноқонуний-ноанъанавий диний жамоасининг иддаolari ва уларга раiddиялар.....	85
Барно МИРИСАЕВА. Ўзбекистонда кўппартиявийлик тизими ривожланишининг назарий асослари.....	87
Алишер АҲАДОВ. Роль деятельности национально-культурных центров в Узбекистане.....	89
Бехзоджон МАЛИКОВ. Давлат хизматини ташкил этишда “Япон мўъжизаси” ва унинг ўзига хос хусусиятлари.....	91
Тунис ХОЖИЕВ. Хитой Халқ Республикасининг тараққиёт модели ҳамда модернизациялаш босқичлари.....	93
Дилором ЮЛДАШЕВА. Тиббиёт туризмнинг жамият тараққиётидаги ўрни ва аҳамияти.....	96
Собитали ЖУРАЕВ. Ўзбекистоннинг Марказий Осиё минтақасида транспорт-коммуникация тизимини ривожлантиришдаги туган ўрни.....	97
Аълохон АЛИҚОРИЕВА, Садоқат ТУРАТОШЕВА. Таълим жараёни сифатини назорат қилишнинг асосий математик моделлари (социологик таҳлил).....	99
Хосият МУЛЛАЖАНОВА. Маънавий мероснинг тарихий аҳамияти ва баркамол ёшларни тарбиялашдаги ўрни.....	101
Дилдора МИРАКБАРОВА. Глобаллашув даврида оила мустаҳкамлигига салбий таъсир кўрсатувчи маънавий иллатлар.....	103
Сарвар НИШОНОВ. Инсон концепциясининг концептуал асослари ва ривожланиш босқичлари.....	104
Ҳабибулло САДИБАКОСЕВ. Новые подходы к международным отношениям США.....	107
Sirojiddin ABDUVOITOV. Afg'onistonning mintaqaviy va global miqyosidagi geosiyosiy o'рни va Afg'on jamiyatini qayta qurishda uchrayotgan asosiy muammolar.....	110

ФАЛСАФИЙ МУШОҶАДАЛАР

Гулчеҳра ҒАФҒАРОВА. Абу Райҳон Берунийнинг гносеологик қарашлари ҳозирги замон фалсафий-методологик талқинида.....	113
Жамшид ОЧИЛОВ. Шарқ ва Ғарб цивилизацияси интеграциясининг инсоният маънавий-маданий, иқтисодий муносабатлари глобаллашувига таъсири.....	115
Баҳодир ҚАНДОВ. Замонавий глобаллашув жараёнида инсон ҳуқуқлари ва эркинлиги тамойилларининг ижтимоий-фалсафий асослари.....	117
Жаҳонгир ШОДИЕВ. Умар Хайём фалсафий қарашларида билиш муаммоси.....	120
Мартаба МЕЛИКОВА. Философская герменевтика как теоретико-методологический подход анализа духовного наследия Алишера Навои.....	122
Шахноза ТУРСУНКУЛОВА. Эстетик парадигмада санъат назариялари.....	125
Дилнавоз РАХИМДЖАНОВА. Суқрот таълимотида эркинлик феноменининг акс этиши.....	127
Джамшид КУРБАНОВ. Марказий Осиё мутасаввифлари фалсафий қарашларининг диний фундаментализмга қарши курашдаги ғоявий аҳамияти.....	130
Очил БЎРИЕВ, Иқбол ЖАББОРОВА, Қурбон НУРБОЕВ. Исломда сувдан фойдаланиш одоби.....	132
Баҳодиржон ҒАНИЕВ. Тадбиркорлик фаолияти тушунчасининг ижтимоий-фалсафий моҳияти.....	134

ЁШЛАР – КЕЛАЖАГИМИЗ

Абдумажид АБДУМАННОТОВ. Алишер Навоийнинг “Ҳайратул аброр” достонида баркамол авлод тарбияси масалалари.....	137
---	-----

ИЛМ-ФАН ЮТУҚЛАРИ

Евгения ЮГАЙ. Цифровая культура как феномен нового времени.....	139
Ахрор ЭШМУҲАМатов. Жиззах воҳаси аҳолисининг анъанавий хўжалигида яйлов чорвачилигининг ўрни.....	141
Лола МУХАМЕДЖАНОВА. Латофат СУЛТАНОВА. Тарихчи олим Аҳмад Закий Валидий Тўғоннинг Бухорога саёҳати.....	143
Шавкат СЎПИЕВ, Рисолат ШОВДИРОВА. Хорижий тилларни ўргатишда талабаларнинг маънавий дунёқарашини шакллантириш йўллари.....	145
Fazilat QO'CHQOROVA. O'quvchi shaxsini kasbga yo'naltirishning ijtimoiy-psixologik asoslari.....	148

БИР ҲАДИС ШАРҲИ

Расули Акрам мўъжизалари “Саҳиҳул Бухорий”да: Таом берармикан, деб савол сўраган инсон.....	150
--	-----

♦ **Аннотация:** Мақолада совет Ўзбекистонда давлат идораларининг маҳаллийлаштириш сиёсатидаги муаммолар ва унинг ечими ўрганилган. Материални таёрлашда шша йилларнинг даврий матбуоти “Туркистон”, “Қизил Ўзбекистон”, “Ўзбекистанская правда” ва “Правда Востока” газеталарининг маълумотлари асосий манба бўлиб хизмат қилди. **Таянч сўзлар:** большевик, совет, маҳаллийлаштириш, ўзбеклаштириш, коммунист, миллий сиёсат, миллатчилик, тоталитар.

♦ **Annotation:** The article is devoted the problems and results in policy korenization of the government in Soviet Uzbekistan. As the main material for illumination of scientific and theoretical aspects of this article the documents which are stored in funds of the Central Archive Office of the Republic of Uzbekistan and also periodicals materials, in particular, of such editions as the newspapers “Turkestan”, “Red Uzbekistan”, “Uzbekistan truth”, “East Truth” served.

♦ **Аннотация:** В статье изучаются проблемы и результаты политики коренизации государственных учреждений советского Узбекистана. Основным источником для освещения научных и теоретических аспектов данной статьи послужили материалы периодической печати, в частности, таких изданий как газеты «Туркестан», «Красный Узбекистан», «Ўзбекистанская правда», «Правда Востока».

XX АСР БИРИНЧИ ЯРМИДА СУРХОН-ШЕРОБОД ВОҲАСИДАГИ ЭТНОМАДАНИЙ ЖАРАЁНЛАР

ЯНГИБОЙ ТУРДИМУРАТОВ
Ўзбекистон давлат жисмоний
тарбия ва спорт университети
ўқитувчиси, Тарих фанлари бўйича
фалсафа доктори (PhD)

Дунёда глобаллашув жараёнлари кучайган ҳозирги даврда умуминсоният цивилизацияси ютуқларининг ажралмас атроф-муҳит ва ҳўжалик юритиш тизимида жадал ўзгаришлар содир бўлаётган бир даврда этник ва этномаданий жараёнларни ўрганиш ўта долзарблиги билан ажралиб туради. Маълумки, турли ҳўжалик хусусиятларига, жумладан, ўтроқ деҳқон ва ҳўжалигида чорвачилик етакчи бўлган турли этносларнинг ўзаро иқтисодий-ҳўжалик, маданий-савдо муносабатлари ҳам этник ва этномаданий жараёнларга таъсир кўрсатиб, ассимиляция жараёнларини тезлаштирган. Шу боис ҳам турли этник хусусиятларга эга бўлган этносларнинг аралаш тарзда яшай бошлаши натижасида юзага келадиган этномаданий жараёнларни ўрганиш жуда муҳимдир.

Мамлакатимизда ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида амалга оширилаётган туб ислохотлар ва кенг қўламли бунёдкорлик ишлари янада жадаллаштирилган ҳозирги даврда аж-додларимиз томонидан асрлар мобайнида яратилган улкан, бебаҳо маънавий-маданий меросни, ўтмиш тарихни ўрганиш, қолаверса, миллий анъаналар, урф-одат ва маросимларни тиклаш, ўзликни англаш каби масалалар давлат сиёсати даражасида ечилиши лозим бўлган ғоят муҳим вазифа қилиб белгиланди. Президентимиз Ш.М. Мирзиёев таъкидлаганидек: “Бир ҳақиқат барчамизга яхши маълум: илм ва изланиш бўлмаган жойда ҳеч қандай ривожланиш, юксалиш ва, умуман, бирор-бир соҳанинг келажаги бўлмайди” [1: 64].

Маълумки, бир ҳудудда яшовчи этносларда ва этник гуруҳларда этник, иқтисодий ва маданий жиҳатдан тобора яқинлашиб боришлари туфайли, улар ўртасидаги қавм-қариндошлик ришталари чуқурлашади [10: 41-42]. Бу эса ўз навбатида аҳоли турмуш тарзида, моддий маданиятида, ҳўжалик фаолиятида ва ҳатто тилида ҳам айрим ўзгаришлар содир бўлишига сабаб бўлади. Турли этник жамоалар ҳамда этносларнинг бир ҳудудда ёнма-ён ёки аралаш яшашлари сўзсиз ўзаро тил алоқаларини юзага келтиради. Зеро, ҳеч бир тил таркибидаги шева ва лаҳжалар бир-бирларига таъсирсиз, ўз ҳолича ривож топмайди.

Мамлакатимиз жанубий қисмида жойлашган Сурхон-Шеробод воҳаси анъанавий ҳўжалик-маданий хусусиятлар сақланиб қолган ҳудудлардан бири ҳисобланади. Воҳа аҳолиси бошқа тарихий-маданий вилоятлар аҳолисидан фарқ қилиб, маълум кичик ҳудудий кенглик ва баъзи йирик аҳоли пунктлари ўртасида ҳам айрим тафовутларга эга бўлган. Демак, ҳар бир ҳудудий гуруҳ жойлашган жойнинг табиий географик хусусиятларидан келиб чиқиб, турмуш тарзида, ҳўжалигида ва моддий маданиятида ўзига хос локал хусусиятлар шакланган. Маълумки, қишлоқ ҳўжалиги тармоқларини жойлаштириш ва ривожлантиришда иқлим табиий омилларни сифатида муҳим ўрин тутди. Ҳудуднинг табиий-географик ва иқлим шароити аҳолининг ҳўжалик фаолияти ва турмуш тарзига таъсир кўрсатувчи муҳим омил ҳисобланади. Шунингдек, ҳўжаликлардаги чорва тури ва таркиби ҳам кўпроқ ҳудуд табиий шароити ҳамда экологик омилларига боғлиқ бўлиб, қоида бўйича чорва молларининг ҳар бир тури ўзигагина хос бўлган агроэкологик зонада тарқалади [6: 25].

XX аср биринчи ярмида Сурхон-Шеробод воҳасидаги асосий этномаданий жараёнлар – ўзаро маданий таъсир, ўтроқ ва чорвадор аҳолининг яқинлашуви ва қисман қўшилиб кетиш (ассимиляция) жараёни кучайиб борган. Воҳадаги ярим ўтроқ ўзбеклар ва турклар зич бўлиб яшайдиган жойларда ўтроқлашув ва уруғчилик анъаналарининг йўқолиб бориши жараёни, шубҳасиз, аста-секин давом этган. Қўнғирот, қарлук,

лақай ва дўрмон каби ўзбек уруғларида XX асрнинг 30-йилларига қадар зироатчилик ҳам кенг тарқалганига қарамадан, уларда ярим ўтроқ ҳаёт тарзи ва уруғ-қабилачилик тизими унсурлари сақланиб қолган. Фақат ўтроқ аҳоли орасида яшовчи юқоридаги этник ва этнографик гуруҳларнинг кам сонли вакилларида вақт ўтиши билан дастлабкиларига қараганда фарқлар сезила бошланган [4: 100]. Энг қизиғи, йиллар ўтиши билан воҳадаги аксарият чорвадор аҳоли тўлиқ ўтроқ турмуш тарзига ўтган бўлса-да, улар моддий маданиятида чорвадорлар ҳўжалик маданиятига хос бўлган ҳўжалик кўринишлари, хусусан, чорвачилик маҳсулотларини қайта ишлаш билан боғлиқ бўлган уй хунармандлик турлари – кўнчилик, кигизчилик, гилам тўқиш кабилар сақланиб қолган.

Чорвадорлар ва ўтроқ аҳоли ўртасидаги ўзаро маданий таъсир ва яқинлашув нафақат чорвадорларнинг ўтроқлашуви ва ўтроқ аҳоли билан ҳамкорликда яшаш натижасида, балки ярим ўтроқ чорвачилик ва ўтроқ зироатчиликни сақлашда давом этиши натижасида содир бўлган. Ҳўжаликнинг икки тури – суғорма деҳқончилик ва яйлов чорвачилиги ўзаро бир-бирини тўлдириб уйғунлашиб борган. Натижада этник гуруҳлараро алоқалар жонланиб, бу уйғунлашув интеграция, консолидация ва ассимиляция жараёнларини кучайтирувчи омил бўлиб хизмат қилган. Таниқли элшуннос олим К.Шониев таъкидлаганидек, “Аммо этноснинг бир ўзи ёлғиз тараққий эта олмайди. Унинг ривож топиши учун бошқа этнослар билан доимий иқтисодий ва маданий алоқада бўлиши керак” [9: 91].

Воҳада янги ерларнинг ўзлаштирилиши муносабати билан тоғ ва адирликларда яшаган аҳоли қўйи ҳудудларга кўчирилган. Масалан, совет даврида воҳадаги янги ўзлаштирилган ерларга, хусусан, Бешқўтон, Музробод, Истара чўл ҳудудларига асосан воҳанинг тоғли ва тоғолди аҳолиси кўчириб келтирилган. Ички миграцияларнинг кучайиши туфайли воҳада яшовчи уруғларнинг кўпчилиги ўзаро аралаш ҳолда яшай бошлаган. Бу эса воҳадаги аксарият аҳолининг аралаш ҳўжалик фаолиятини юритишига олиб келган. Бундан ташқари, ушбу ҳудудларда ҳўжалик алмашинув жараёнлари ҳам содир бўлган. Масалан, воҳанинг Хуфар, Миланд, Сангардак каби тожик қишлоқларига ўзбек чорвадорлари кўчиб келганидан сўнг, тожиклар ўзбек тилида гаплашадиган ва чорвачилик билан ҳам шуғулланадиган бўлишган [8: 141]. Сурхон ва Шерободдарё ҳавзасида ўтроқ ўзбек ва тожик аҳолиси ўртасида ёзги турар жой сифатида ўтовлар кенг тарқалган. Чорвадорлар аралаш яшайдиган айрим жойларда тожик аёллари жундан нақшли наматлар (кигизлар) тайёрлай бошлаган ва ҳатто ўтов учун жунли маҳсулотлар ҳам тўқишган [7: 74-75]. Сигир ёғини қўй қорнидан тайёрланган идишда сақлаш усули ва бошқалар тожиклар турмушига чорвадорлардан кириб келган. Кўриниб турибдики, ўтроқлашув жараёни таъсирида

аҳолининг хўжалик ва турмуш тарзида ўзига хос ўзгаришлар содир бўлган.

Ўзбекистон, хусусан, Сурхон-Шеробод воҳасининг дашт ва ярим дашт ҳудудлари, яъни ўзига хос "кўчув даштлар"и баланд тоғли ва тоғолди зоналаридан фарқ қилиб, яйлов ва ҳайдов чорвачилиги экстенсив деҳқончилик ва уй касб-корлиги билан боғлиқ равишда сақланиб қолган эди [5: 47]. Бу эса совет давридаги баъзи тадқиқотларда таъкидланганидек, кўчманчилик ҳаёт тарзи эмас, балки минтақанинг хўжалик-маданий муҳитида анъанавий чорвачиликнинг табиий географик шароитга мослашган шакли эди, холос. Яна шуни ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, воҳадаги қарлуқлар кўп асрлардан буён мазкур ҳудудда яшаётган бўлса-да, аммо чорвачилик учун қулай табиий муҳит уларнинг маълум қисмини ярим ўтроқ тарзда чорвачилик хўжалиги билан XX аср бошларига қадар шуғулланишига имкон берган. Асосан чорвачилик билан шуғулланган ярим ўтроқ аҳолининг тўлиқ ўтроқ турмуш тарзига ўтгани ҳам улар ўзининг хўжалик, этник-маданий, антропологик ва тил хусусиятларини XX аср бошига қадар сақлаб қолган.

Воҳада хўжалик-маданий хусусиятларнинг бошқаларига нисбатан яхшироқ сақланиб қолганини кўнғирот, қарлуқ ва турк каби ўзбек уруғ-қабилаларида яққол кузатиш мумкин. Уларнинг кўпчилиги XX аср бошигача, кўнғиротлар эса ҳатто 30-йилларга қадар чорвачилик анъаналарини сақлаб қолган ҳолда ушбу хўжалик тури улар учун асосий ва сердаромад машғулот бўлиб қолаверган. Аксинча, Фарғона водийсида ушбу даврда кипчоқ, қирғиз, қорақалпоқ каби чорвадор этносларнинг турмуш тарзида эса ўтроқлашув жараёнини кузатилади [2: 87-108].

Ҳар бир этник гуруҳларда тарихий шаклланган маданий анъаналар аҳолининг хўжалик фаолиятида катта ўрин туташда давом этган. Уларда анъаналарнинг ўзгармагани, алоҳида хўжалик ихтисослигининг мавжудлиги улар ва бошқа этник-тарихий ҳудудлар ўртасида иқтисодий алоқаларнинг ўрнатилишига ёрдам беради. Натижада бир хил табиий шароитларда яшовчи турли этник ва этнографик гуруҳлар баъзан хўжаликнинг ҳар хил турлари билан шуғулланган. Аммо чорвадорларда ўтроқлашув жараёнининг кечиши хўжаликдаги ўзига хосликнинг йўқолиб боришига олиб келган. Бу жараён ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва табиий шароитларнинг ўзгаришига қараб тезлашиб ёки секинлашиб борган. Бу эса турли этник ва этнографик гуруҳлар хўжалик тарзининг доимий яқинлашувига олиб келган.

Воҳанинг жанубий ҳудудларида ички миграциялар натижасида ярим ўтроқ кўнғирот уруғлари тўлиқ ўтроқлашиб, улар бошқа этник ва этнографик гуруҳлар билан аралаш тарзда яшай бошлаган. Денов ва Сариосиё туманларида ўзбек кўнғиротлари ва тожиклар ўртасида яхши ижтимоий-иқтисодий муносабатлар ўрнатилиб, улар ҳатто қиз бериб, қиз олган, яъни улар ўртасида қуда-андачилик муносабатлари юзага келган. Ваҳоланки, воҳанинг бошқа ҳудудларида яшовчи ўзбек кўнғиротларида эндогамия, яъни ички никоҳ муносабатларига қатъий риоя қилинган. Шунингдек, ўтроқ тожиклар билан чамбарчас алоқада бўлган кўнғиротлар уларга қўйларни боқиш йўл-йўриқларини ҳам ўргатишган. Баъзида, айниқса, ўсмир тожик йигитлари кўнғирот чўпонларига шогирд тушиб, қўйларни боқиш усул ва йўл-йўриқларини ўрганишган. Ўз навбатида кўнғиротлар ҳам тожиклардан деҳқончилик сир-асрорларини, хусусан, буғдой етиштириш ва ун қилишни ўрганиб олган [8: 139].

Воҳада кам сонли бўлган барлослар асосан Сариосиё туманидаги Дашнобод, Кудуқли, Қарабанди, Шоқишлоқ каби қишлоқларда, Қоратоғдарё ҳавзасида ва Денов туманидаги бир қатор қишлоқларда ўзбек-чиғатойлари ва тожиклар билан аралаш тарзда яшайди [8: 124-125]. Улар асосан тожиклар билан қуда-андачилик муносабатларини ўрнатган. Шунга кўра, улар хўжалигидаги кўп жиҳатлар тожиклардан ўзлаштирилган. 1917 йилгача барлосларнинг асосий машғулоти чорвачилик бўлиб, шунингдек, деҳқончилик, боғдорчилик, узумчилик, хунармандлик билан ҳам шуғулланишган. Улар боғдорчиликни қўшни бўлиб яшаган чиғатойлардан ўрганган.

Воҳадаги иқтисодий алоқалар айирбошлаш ёки савдосотиқ билан чекланмай, бошқа шаклларда ҳам олиб борилган. Масалан, турклар деҳқонларга қишлоқ хўжалик ишлари даврида хўкизларини бериб туришган ва эвазига ҳосилдан маълум қисмини олишган [7: 75]. Умуман, ярим ўтроқ аҳолининг деҳқонларга ерни ҳайдаш ва текислаш учун хўкизларини ижарага бериб туриши ҳамда эвазига буғдой, сомон олиши оддий ҳол бўлган. Айрим ҳолларда чорвадорлар деҳқонларнинг чорвасини боқиш учун олган ва эвазига зироатчилик маҳсулотлари ёки деҳқоннинг бошқа ёрдами олиган. Жумладан, деҳқонлар чорвадорларнинг ёзги яйловга кўчиши даврида унинг экинларига қараб турган ёки уй анжомларининг бир қисмини қўриқлаган. Кузда далада ҳосил йиғиб олинган, чорвадорлар молларини анғизларда (ангор) боқиш ҳуқуқига эга бўлган [8: 128].

Чорвадорлар хўжаликларида меҳнатни ташкил қилиш, эркаклар ва аёллар ўртасидаги меҳнат тақсимоли деҳқончилик билан шуғулланувчи аҳоли хўжалигидан фарқ қилади. Масалан, қўйчилик устун бўлган чорвадорлар хўжалигида қорамол билан асосан аёллар, қўйчилик билан эса эркаклар шуғулланган. Қўйчиликда эркакни оиладан ажратиб олувчи "яйлов" турмуш тарзи устун бўлган. Худди шу ҳолат аёлнинг хўжалик ишларида фаол қатнашишини тақозо этган. Чунки уйда асосан қариялар ва болалар қолган. Аёллар уй хўжалигини юритишда, чорвачилик хом ашёсига ишлов беришда, чорвачилик маҳсулотларини тайёрлашда фаол қатнашган. Шунингдек, улар эркакларга ҳам ёрдам берган. Тоғли тожикларда эса чорвани ёзги яйловларга ҳайдашда эркаклар қишлоқда деҳқончилик билан шуғулланиш учун қолган. Қизлар, аёллар ва қариялар эса чорва билан бирга кетган [8: 129]. Қорақалпоқларда ҳам худди шундай ҳолат кузатилади [3: 152].

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, воҳада XX аср биринчи ярмида содир бўлган ички миграциялар туфайли турли этномаданий жараёнлар содир бўлган. Жумладан, этнохудудий жойлашув бўйича ўзлари яшайдиган худуднинг табиий имкониятларига мос турли чорвани боқишга ихтисослашган чорвадорлар ҳам кейинчалик воҳадаги бошқа этник ва этнографик гуруҳлар билан аралаш ҳолда яшай бошлаши натижасида улар хўжалигидаги чорва турлари хилма-хиллашган ҳамда аралаш хўжалик юритиш тарзига ўтган. Аммо айрим этник ва этнографик гуруҳ вакиллари хўжалигида эса чорвачилик устулиги сақланиб қолган. Аралаш хўжаликни юритиш тарзига ўтган аҳоли моддий маданиятида (уй хунармандлиги турлари ва жиҳозларида, меҳнат қуролларида, таомларида), уй машғулотида (гилам тўқиш, кигиз босиш, чарм олиш ва ҳ.к.) чорвадорлар хўжалик маданиятининг айрим унсурлари сақланиб қолгани кузатилди. Бозорларда саноат корхоналарида ишлаб чиқарилган уй жиҳозларининг кўпайиши эса ушбу хусусиятларнинг ҳам аста-секинлик билан йўқолиб боришига сабаб бўлган.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Мирзиёев Ш.М. Халқимиз розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. 2-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2018.
2. Губаева С.С. Ферганская долина. Этнические процессы на рубеже XIX-XX вв. – Германия: Саарбрюкэн, 2012.
3. Жданко Т.А. К вопросу о хозяйственно-культурном типе полуседлых скотоводов-земледельцев-рыбаловов дельтовых областей Средней Азии.
4. Кармышева Б.Х. К истории формирования населения южных районов Узбекистана и Таджикистана // СЭ. – № 6, 1964.
5. Кармышева Б.Х. «Кочевая степь» Мавераннахра и ее население в конце XIX – начале XX вв. (по этнографическим данным) // СЭ. – № 1, 1980.
6. Нурбеков А. и другие. Органическое сельское хозяйство в Узбекистане: состояние, практика и перспективы. – Т., 2018.
7. Султанов М.Х. Этнографическое наблюдения в Сурхандарьинской области // Материалы по истории Узбекистана. – Т.: Фан, 1966.
8. Хидоятлов И. О характере сельского хозяйства многонациональных районов Сурхандарьинской области в дореволюционное время // СЭ, № 2, 1970.
9. Шониёзов К. Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни. – Т., Шарқ, 2001.
10. Шониёзов К. Ўзбек халқининг этногенезига оид баъзи назарий масалалар // Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. 1998, № 6.

♦ **Аннотация:** Мақолада XX асрнинг биринчи ярмида Сурхон-Шерабод воҳасидаги ички миграциялар туфайли чорвадорларнинг ўртоқ аҳоли билан аралаш тарзда яшай бошлаши натижасида содир бўлган асосий этномаданий жараёнлар – ўзаро маданий таъсир, моддий маданиятдаги ўзгаришлар, хўжалик алмашинуви, ўтроқ ва чорвадор аҳолининг яқинлашуви ва қисман қўшилиб кетиш (ассимиляция) жараёнлари таҳлил қилинган. **Таянч сўзлар:** этномаданий жараёнлар, маданий таъсир, миграция, ассимиляция, хўжалик маданияти, иқтисодий алоқалар, этник хусусиятлар.

♦ **Annotation:** The article analyzes the main ethno-cultural processes – cultural interactions, changes in material culture, economic exchange, rapprochement and partial assimilation of the settled and pastoral population that occurred in the first half of the XX century as a result of internal migration in the Surkhan-Sherabad oasis.

♦ **Аннотация:** В статье анализируются основные этнокультурные процессы – культурные взаимодействия, изменения в материальной культуре, хозяйственный обмен, сближение и частичная ассимиляция оседлого и скотоводческого населения, произошедшие в первой половине XX века в результате внутренней миграции в Сурхан-Шерабодском оазисе.

ЎЗБЕК ХАЛҚИ СПОРТ КИЙИМЛАРИ ТАРИХИДАН: АНЪАНАВИЙЛИК ВА ТРАНСФОРМАЦИОН ЖАРАЁНЛАР

ФУРҚАТ ТОШБОВ

ЖДПИ доценти, тарих фанлари
бўйича фалсафа доктори (PhD)

ШАХРИЁР ЭШБОВ

ЖДПИ талабаси

Ўзбекистон ҳудудида аждоқларимизнинг яратувчанлиги, ақл-заковати ва тафаккурининг маҳсули бўлмиш моддий ва маънавий маданият доимий равишда ривож топиб келган ва унинг натижасида ноёб санъат намуналари яратилган. Дарҳақиқат, бизгача етиб келган ашёвий далиллар – ноёб санъат намуналари, меҳнат ва ов қуроллари, кийим-кечак, уй-рўзгор ва безак буюмлари, одамлар яшаган манзил қолдиқлари бебаҳо маданий меросимиз ҳисобланади. Улар аждоқларимизнинг яшаш тарзи, эстетик ва диний қарашларини билишга, шунингдек, қадимги аҳолининг маданияти ҳақида тасаввур ҳосил қилишга ёрдам беради.

Аждоқларимиздан қолган ноёб маданий меросимиздан бири бу миллий спорт ўйинлари, улоқ кўпкари, от пойга каби мусобақалар ва уларда ҳозиргача кийиладиган махсус “спорт кийимлари” ҳисобланади. Кийимнинг юзага келиши ва турларининг кўпайишида кишиларнинг яшаш тарзи, меҳнати ва иқлим шароитидан ташқари, уларнинг маданий ривожланиши, эстетик дидларининг ўсиши ҳам асосий омиллардандир [1: 276]. Афсуски, бир қараганда эътибор қилинмайдиган бу маданий меросимизнинг аксарияти ҳозирги глобаллашув даврида йўқолиб кетмоқда. Халқимизнинг бутун тарихи мобайнида муомалада бўлган тўқима ва ясама буюмлар, айниқса, отда юришга мослашган кийим-бошлар ва от анжомлари билан боғлиқ меросни ўрганиш, тарғиб қилиш ва асраб қолиш айни дамда долзарб масалалардан биридир.

Ўзбекистон ҳудудида жойлашган археологик ёдгорликларда аждоқларимизнинг маданияти, ҳаёт тарзи ва урф-одатларига оид ашёвий манбалар – кулоллик идишлари, қурол-яроғ, зеб-зийнат, уй-рўзгор буюмлари кўплаб ўрганилган. Биз мазкур мавзуимизда кўтармоқчи бўлган миллий спорт кийимларининг асосини ташкил этган тўқимачилик маҳсулотлари археологик жиҳатдан ҳам кам сақланиб қолган. Бунга асосий сабаб, тўқима буюмларнинг узоқ йиллар мобайнида чириб битиши ёки ёдгорликларнинг қадимда ёқиб юборилганидир.

Шундай бўлсада, ёзма манбалардаги таърифлар, қоятошлардаги тасвирлар ҳамда археологик ёдгорликларда ўрганилган тўқима буюмлар аждоқларимизнинг ҳунармандлик маҳсулотлари ишлаб чиқариш борасида юксак маданият соҳиблари бўлганидан гувоҳлик беради. Уларга таяниб айтиш мумкинки, аждоқларимизда тўқимачилик маҳсулотлари – гилам, кигиз, олача, хуржун, сўзана, турли хил кийим бош, от анжомлари, арқон ва бошқа тўқима маҳсулотлар тайёрлаш ҳамда ҳайвонларнинг терисидан мўйнали кийимлар тикиш санъат даражасига кўтарилган. Булар орасида кийим-бошлар алоҳида ўрин тутиб, уларнинг кўпчилиги ўз хусусияти билан ҳозирги давр чавандозлар қиядиган (спорт) кийимлар ва маҳаллий курашчилар либосларига ўхшаб кетади.

Тарихий манбаларда туркий халқларнинг чорвачилик, боғдорчилик, лалми ва суғорма деҳқончилик, савдо ҳамда ҳунармандлик билан шуғуллангани кўп эслатилади. Бироқ, юқорида санаб ўтилган хўжалик турларидан чорвачилик қадимги аждоқларимиз ҳаётида алоҳида ўрин тутган. Чорвачиликнинг кўчманчи ҳаёт тарзи, ноқулай табиий шароитда чорва ортидан узоқ масофаларга кўчиб юриш ва яйловлар учун курашни таъқоб этган. Шунинг учун қадимги чорвадорлар бир пайтнинг ўзида чавандоз (суворий)лик ва ҳарбий соҳа сирларини мукамал эгаллаган. Бу эса аждоқларимиз кийим-бошининг отда чопиш, тоғу тошда юриш, иссиқ-совуққа мос бўлиши, шунингдек, тасодифий ҳарбий тўқнашувларда жанг олиб бориш ва ҳимояланишга жуда қулай бўлишини тақозо

этган.

Кийим-бошларни сифатли тикиб тайёрлаш туркий халқлар ҳаёт тарзида ҳамisha кузатиладиган узоқ масофаларга кўчиш ва жанговар ҳарбий юришлар муваффақиятини таъминлаган. Улардан турли хил шароитда фойдаланиш мумкин бўлгани учун ҳам қўшни Хитой, Ҳинд ва Эрон каби мамлакатлар аҳолиси отда чопишга мўлжалланган жанг кийимларининг аксариятини туркий халқлар кийимларидан андоза олиб тайёрлаган. Тарихчи олим А. Хўжаевнинг ёзишича, мил. авв. IV асрда юнонлар таъқиб натижасида юртимизда яшаган сакларнинг бир гуруҳи шарққа – Хитой чегара атрофигача кўчиб кетган. Ўша пайтда Хитойдаги Чжоу ҳукмдори Улин (мил. авв. 325-298 йиллар) ушбу қабилаларнинг кийими от минишга ва ўқ-ёй отишга қулай эканини англаб, ўз амалдорларининг кўрсатган қаттиқ қаршилигига қарамай уларни саклардек кийинишга даъват этган [2: 203].

Қадимги Ҳинд халқ достони Махабхаратда тасвирланишича, Ҳинд подшоши Юдихаштхира томонидан руҳларга атаб қурбонлик келтириш байрами тантанали равишда ўтказилади. Бу тантанага қатнашиш учун турли мамлакатлардан элчилар келади. Улар орасида юртимиздан борган шак (сак), тохар, қанғ ва бошқа туркий қабилалар элчилари ҳам бўлган. Ушбу тантанада юртимиздан борган элчилар томонидан топширилган совға-саломлар ичида жун, пахта, шойи толалари (ипак) дан тўқилган майин ва чиройли матолар бўлган [3: 109]. Милоднинг I асрида яшаган юнон тарихчиси Плутархнинг “Кўшалок ҳаётномалар” мажмуасидаги “Александр” асарида “Александр “варвар”ларнинг урф-одатларини ҳурмат қилади. Айниқса уларнинг кийим-бошлари жуда чиройли бўлиб, отда юришга қулай, шунинг учун Александр уларнинг миллий кийимларини кийиб юришни ёқтиради”, – деб ёзади [4: 428].

Ҳозир ҳам юртимизнинг дашт ҳудудларида уюштирилладиган улоқ-кўпкариларда мусобақа учун тайёрланган отлар ва махсус кийимда майдонга тушаётган чавандозларни учратишимиз мумкин. Аксарият чавандозларнинг бош кийими мўйнадан тикилган ва унинг пастки қисми иягини тагига тортиб боғланган. Устида енгил ва эгилувчан чакмон, пойчасида пахтали шим, оёғида товонининг пошнаси 10-15 см келадиган, кўнжи тиззасигача кўтарилган учли қилиб чармдан тикилган этин кийган. Бу кийим-бошларни ҳар бири от чопишда эгилиш ва ҳар хил машқлар бажаришга жуда қулай, айниқса чавандоз этик билан отга минганда этик отни узангисига шундай ўрнашадики, бу ҳолатда чавандоз отни устида ҳар қандай (улоқни ердан олиш, бир томонга оғиб тортиш) каби мураккаб жисмоний машқларни бажара олиши мумкин.

Қадимги даврда эса аждоқларимиз шундай қулай кийинган ҳолатда ўтириб от чопиши, камондан ўқ узиши, қилич чопиши, найза улоқтириши ва бошқа машқларни бемалол бажара олган. Ҳозирги пайтда фақатгина кўпкари